

ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ
ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг таклифига биноан 3-4 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди



Президент Шавкат Мирзиёев 4 март кунги Исломобод шаҳрида Покистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда "Нишат Групп", "Гетз Фарма", "Пирамид Ложистикс", "Эжаз Груп", "АҚД Груп", "Вах Нобель Групп", "Нажиб Файбэр", "Сапфир Груп" каби қўллаб компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу ширкатларнинг умумий активлари 40 миллиард доллардан зиёдни ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари хорижий ташрифлари чоғида бундай учрашувлар ўтказишга алоҳида вақт ажратади. Бу Ўзбекистоннинг ҳамкорликка интилиши юқори эканини намоён этиб, ишбилармонларнинг ишончини оширмақда.

Учрашувда мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоқларида бозор механизмлари жорий қилинаётгани, бизнес ривожини чеклайдиган тўсиқлар бартараф этилгани таъкидланди.

Тараққиёт стратегияси асосида хорижий бизнес иштирокини кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Жўмладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда тизимли алоқалар йўлга қўйилган. Кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 5 баробар ошган. Пандемия чекловлари

қарамай йил бошидан бери ушбу кўрсаткич яна 70 фоиз ўсган.

Президентимиз сўзининг аввалида Покистон Бош вазири билан ўтказилган музокаралар натижаларига тўхталди.

— Тарихий ташрифимиз давомиди илк бор Имтиёзли савдо битимини имзоладик. Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида назоратга олишга келишиб олдик. Асосий мақсадимиз — маҳсулотларни давлат-

ларимиз ўртасида тўсиқсиз ва энг қисқа муддатларда етказиб бериш тизимини яратишдан иборат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай эътибор ва шароитлар ўзaro алоқаларни фаоллаштириб, яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион долларга, келгусида эса 1 миллиард долларга етказиш учун мустақкам замин яратишига ишонч билдирилди.

▶ Давоми 2-бетда

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 4 март кунги олий ўқув юртлари талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакат келажаги, барча соҳалар ва лойиҳалар муваффақияти билимли, замонавий фикрлайдиган, ўз соҳасининг усталари бўлган инсонларга боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда олий ўқув юртларимизда 510 минг нафар талаба кундузги таълим шаклида ўқимокда (жами 820 минг нафар). Давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ, талабалар билан суҳбат ва сўровномалар ўтказилди. Талабаларнинг 100 минг нафарга яқини ишлаш ва қўшимча даромад топишга эҳтиёжи борлигини билдирган. Айниқса, улар орасида 7,5 минг чин етим ёки ногиронлиги бўлган ҳамда 4,5 минг нафар турли "дафтарлар"га киритилган талабалар бор.

— Олий ўқув юрти катта оила. Бу оилани раҳбари — ректор. Ота-оналар энг катта бойлигини, фарзандини сизларга топширган. Шунинг учун ректорлар ҳар бир талаба билан шахсан учрашиши шарт. Бу борада ҳақиқий ҳолатни билиб, талабаларнинг оилавий аҳволи, шароити, қандай ўқияпти, муаммолари ва тақлифлари, ҳуллас, ҳақмаси ҳақида ҳар ойда ҳисобот беради ва бу масалага шахсан масъул бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этилганидек, бугунги кунда талабалар ишлаши мумкин бўлган 105 мингта вакант иш ўрни мавжуд. Таълим ва хизмат кўрсатиш соҳаларида — 22 мингтадан, саноатда — 17 минг, соғлиқни сақлашда — 9 минг, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида — 6 мингтадан, молия соҳасида — 3 минг, алоқа ва IT соҳасида — 2,5 минг иш ўрни бор.

— Мутасаддилар ишлашга эҳтиёжи бор талабаларга ёрдам бериб, уларнинг бандлигини таъминлаши шарт, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда бу ишларни тизимли ташкил этиш учун Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тuzилиши

маълум қилинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудларда ҳам шундай комиссиялар ташкил этилди.

Комиссия вилоят ҳокимлари ва ректорлар билан бирга, вакант ўринларни таҳлил қилиб, ҳар бир вилоят бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи курс талабаларининг камида 30-40 фоизини ишга жойлаш чораларини кўради. Бундан ташқари, битирувчи курслар талабаларининг келгусидаги иш жойини белгилаб олади ва уларни ҳақ тўланадиган 3-4 ойлик стажировкага юборади.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртлардаги бўш хона ва иншоотларни талабаларга бепул ажратиш орқали уларда пуллик курслар, тўғарақлар ва бошқа хизматлар ҳамда ишлаб чиқаришлар ташкил этиш орқали иш ўринлари яратиш мумкинлигини таъкидлади.

Ректорлар олий ўқув юртларнинг йўналишига қараб, аҳоли ва тадбиркорларга пуллик хизматлар кўрсатиб, 5 минг нафар талабага қўшимча даромад олиш имкониятини яратиши шартлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга ҳар бир олий ўқув юртида бир ой муддатда бандлик марказлари, шунингдек, ун кун муддатда бу ердаги бўш хона ва иншоотларни талабаларга бепул ажратиб, камида 10 тадан пуллик курслар, маиший ва бошқа хизматларни ташкил этиш вазифаси топширилди. Бу орқали 5 минг нафар талаба даромад келтирадиган иш билан банд бўлади.

Ушбу ишларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилди. Жўмладан, олий ўқув юртлари ҳудудида пуллик ўқув курслари, спорт тўғарақлари ва бошқа хизматларни ташкил этган талабалар даромад солиғидан озод қилинади. Умуман, талабаларнинг олий ўқув юртлари ҳудудидаги лойиҳалари учун 100 миллиард сўм кредит ресурслари ажратилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, ректорлар бир ой муддатда ўз ҳудудида талабалар бўш вақтида ишлаб, даромад топиши учун биттадан қорвинг марказини ташкил этишни бошлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Яна бир масала — олий ўқув юртларидаги бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи лавозимлари бўйича мавжуд вакант жойларда 3 мингдан зиёд талаба бандлигини таъминлаш мумкин.

Тошкент тиббиёт академиясида 70 нафар талаба иш юритувчи, кафедра лаборанти, кутубхоначи, омборчи каби лавозимларда ишламоқда. Лекин ҳозир олий ўқув юртларидаги қўп лавозимларга олий маълумот бўлиши талаб этилади. Шу боис, истиқос тарихида ректорларга ўз тизимидаги лавозимларга талабани билим ва салоҳиятидан келиб чиқиб ишга жойлаштиришга рухсат этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, барча давлат ташкилотлари ва муассасаларида талабалар учун ишлашга рухсат бериладиган бўлди.

Масалан, олий ўқув юртлари атрофидаги шаҳар мактаблари ва боғчаларида 13 минг вакант иш ўрни мавжуд. Мутасаддиларга бир ой муддатда камида 10 минг нафар талабани улар учун жойлашуви қўлай бўлган мактаб ва боғчаларга ишга жойлаштириш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Марказий банк тажрибаси асосида талабаларнинг ҳақ тўланадиган стажировкаларини ташкил этиш ва уларнинг якунида энг яхши стажёрларга иш таклиф этиш тизими иқтисодиёт, молия, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, солиқ, кадастр идораларида ҳам жорий этилиши белгиланди.

Ушбу янги тизим орқали, ҳар йили 3 минг нафар талабанинг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда давлат грантлари ҳисобидан амалга ошириладиган илмий лойиҳаларга 2022 йилда камида 3 минг нафар талабани жалб қилиш лозимлиги айтилди. Шу мақсадда олий ўқув юртлардаги илмий лойиҳа гуруҳлари таркибининг камида 40 фоизини талабалар

ҳисобидан шакллантириш вазифаси белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари вилоят ва шаҳар ҳокимлари ректорлар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиб, 30 минг нафар талабани иш билан банд қилиши лозимлигини таъкидлади. Бунда вилоят ҳокимлари иш бериувчилар билан ҳамкорликда вакансия ва амалиёт ярмаркалари, талабалар учун бизнес учрашувлар ташкил этиши белгиланди.

Вилоят ҳокимлари икки ой муддатда олий ўқув юртлари билан йирик компания, кластер ва бошқа қорхоналар ўртасида ҳамкорлик тизимини яратиб, йил якунига қадар 10 минг нафар талабанинг бандлигини таъминлаши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда 2021 йилда талабалар ётоқхонаси бўйича тизим яратилгани таъкидланди. Лекин барча ҳудудларда ҳам ишлар бир хилда олиб борилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Бир ой ичида бу борада ўзгариш қилмаган ҳудуд раҳбари ва олий ўқув юрти ректори ишдан олиниши маълум қилинди.

Қайси олий ўқув юрти ректори ётоқхона қурилишининг 50 фоизини ўзи раҳбарлик қилаётган ОТМ маблағи ҳисобидан амалга ошириш ташаббусини билдирса, қолган 50 фоизи бюджетдан қўллаб берилиши белгиланди.

— Яна бир долзарб масала. Бугунги кунда Украина олий ўқув юртларида 370 дан зиёд ёшларимиз таълим олмақда ва шундан 200 га яқини ватанга қайтарилди. Қолганларини ҳам яқин бир ҳафтада қўтариш учун барча чораларни қўялмиз, — деди Президентимиз.

Тегишли комиссия ташкил этилиб, бир ҳафта муддатда Украинадан қайтган талабаларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқишини давом эттириши учун барча шароит яратиб берилиши кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддилар йиғилишда муҳокама қилинган вазифалар ижроси бўйича қилинадиган ишлар юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

Кун кеча Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, ушбу хайрли ташаббус доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, қўчат ва гуллар экишни тарғиб этишга қаратилган баёноти қабул қилинди. Қўйида ушбу баёнот билан танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ
ИДОРАСИ УЛАМОЛАР КЕНГАШИ
БАЁНОТИ

Бисмиллаҳур Раҳмонир Раҳим.
Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.
Пайгамбаримиз алайҳиссаломга мукаммал ва батамом салавоту саломлар бўлсин.

Муҳтарам юртдошлар!

Аллоҳ таоло инсонни улуғлаб, унга ато этилган неъмат — табиатни асраб-авайлаш, ундан меъёрида мақсадли фойдаланишга буюрган. Ҳақ таоло “Аъроф” сурасининг 56-оятда бундай амр қилади: “**Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!**”

Шу каби илоҳий таъкидлар ҳар бир инсонни неъматларга оқилона муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни озода сақлаш, табиат мусавфоллигини

асрашга чақиради. Ислом динидаги ўғитлар Ер юзидида яшовчи имон-эътиқодли кишилар қалбидида табиатни эъзозлашга масъулият туйғусини оширади.

Афсуски, сўнгги йилларда дунё ҳам-жамияти экологик муаммолардан азият чеқмоқда. Глобал климат ўзгаришлари, сув танқислиги, чанг бўронлари каби табиий офатлар инсониятни танг аҳволга солиб қўймоқда. Табиатнинг бу каби инжиқликлари, таассуфки, ўтган йилги юртимизда ҳам кузатилди. 2021 йилнинг куз ойларида айрим ҳудудлардаги чанг бўронлари ҳар биримизни ҳушёр тортирди. Қопаверса, айна киши қўнларидида ёғингарчиликнинг камайиб кетгани ҳам кишини ўйлантириб қўяди.

▶ Давоми 3-бетда



ТАРИХИЙ ТАШРИФ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Исломободда ўтган бизнес-форумда тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари, банк-молия, кимё саноати ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 800 миллион долларлик савдо ва инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилган эди. Бу лойиҳаларнинг барчаси саноат кооперацияси дастурига киритилиб, қатъий назоратта олиниши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Покистон компанияларни биргаликдаги лойиҳаларни кўпайтиришга қаҳирди.

— Бугун сизларнинг аниқ таклифларингизни эшитмоқчиман. Бу ерда ҳукумат аъзолари, саноат тармоқлари масъуллари йиғилган. Ўзбекистонда бизнесингиз учун қандай шароит, нима кафолат керак бўлса, қўриб чиқишга тайёرمىз, — деди Президент.

Учрашувда ҳамкорликнинг янги йўналишлари, турли соҳаларда мавжуд имкониятлар юзасидан фикр алмашилди. Иштиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президентимиз ишбилармонларнинг режаларини маъқуллаб, барча ташаббус ва шартномаларни ўз ичига олган “йўл харитаси” ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Президент Шавкат Мирзиёев “Покистон монументи” миллий ёдгорлик мажмуасида бўлди.

Исломобод шаҳридаги мажмуа қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган, уч йил давомида қурилиб, 2007 йилда очилган.

Ёдгорликнинг шакли гул баргларига ўхшайди. Тўртта йирик барг Покистоннинг тўрт провинциясини ифодалайди. Эътиборлиси, мажмуа бобурийлар меъморчилиги анъаналари асосида барпо этилган. Бу ерда тарих музейи ҳам бор.

Давлатимиз раҳбарига мажмуадаги суратлар тарихи ҳақида сўзлаб берилди.

Шундан сўнг Исломобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Ориф Алвийнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Президентлар бир-бирини самимий қўлаб, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга экани ҳамда ҳамкорлики янада кенгайтиришга кучли туртки бўлиши таъкидланди.

2022 йилда мамлакатларимиз муҳим сана — дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлайдилар. Ўтган вақт мобайнида сиёсий мулоқот ва ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришилди. Ўзаро товар айирбошлашда жадал суръат қулатилмоқда. Ўтган йили пандемияга қарамай, ўнчун ҳажми 50 фоиздан зиёдга ошди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни изчил кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари Покистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларни олқишладилар. Айни пайтда ҳамкорлики, шу жумладан,

гуманитар соҳада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Президентимиз Ўзбекистон ва Покистоннинг фан, таълим, юқори технологиялар ва ёшларга доир сиёсат соҳаларидаги ташаббуслари мамлакатимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасидаги мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини қайд этди.

Томонлар шерикликнинг ушбу йўналишини ҳар томонлама ривожлантиришга тайёрликларини тасдиқладилар. Ўзбекистон Президенти астрономия, астрофизика, физика, математика, вирусология ва робот техникаси бўйича илмий-амалий тадбирларни ўтказишда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг “КОМСТЕК” Илмий-техник ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси имкониятларидан фойдаланишни таклиф этди.

Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизлик ва Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Ориф Алвийга меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, яқинлашиб келаётган миллий байрам — Покистон қуни муносабати билан самимий табрик ва энг эзгу тилақларини изҳор қилди ҳамда уни ўзига қўлай вақтда мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди.

Учрашув илиқ ва дўстона муҳитда ўтди. Томонлар кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини тасдиқладилар.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи якунланди.

ЎЗА



“Янги Ўзбекистон” учун махсус



Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи чоғида эришилган келишувлар

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 3-4 март кунлари Покистонга амалга оширган давлат ташрифи, ўтказилган музокара ва учрашувлар, эришилган натижаларга оид фикр-мулоҳазаларини изҳор қилмоқда.

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти ҳуқуқшунослик факультети профессори, Марказий Осиё бўйича мутахассис (Испания):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Исломободга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига кучли туртки берди.

Давлат етакчилари муҳокама қилган сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт логистикаси, туризм ва ижтимоий соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари, икки томонлама учрашувлар мазмун-моҳияти, шунингдек, Стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларация ўзаро алоқаларнинг юксак даражасини ифодаламақда.

Ташрифнинг сиёсий мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилар экан, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўлами қисқа муддатда янада кенг қўламини бўлишига ишонман. Менимча, бу, биринчи навбатда, икки мамлакатнинг сиёсий манфаатлари амалда бир-бирига мос келиши билан боғлиқ. Афғонистондаги вазият бора-бора ҳам умумий қарашлар мавжуд, гуманитар вазиятнинг мураккаблашуви Ўзбекистон ва Покистонни ҳам жиддий ташвишга солимоқда.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон раҳбарининг Покистонга ташрифи чоғида эришилган келишувлар Марказий ва

Жанубий Осиёда хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, жумладан, Афғонистонни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Нажм АБДУЛЛОҲ аш-ШАММАРИЙ, “Ал-Шааҳид” газетаси катта муҳаррири (Қувейт):

— Ўзбекистон ва Покистон Марказий ва Жанубий Осиёдаги етакчи давлатлардир. Турли йўналишларда, жумладан, транспорт ва энергетика соҳаларида минтақаларо лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ушбу икки мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорликка бевосита боғлиқ.



Сўнгги йилларда икки давлат етакчиларининг сиёсий иродаси ва шахсий сая-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Покистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, стратегик шериклик даражасига эришилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Исломободда давлат ташрифи якунлари сиёсий, савдо-иқтисодий, сармолавий, транспорт логистикаси, туризм ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Термиз — Мозори Шариф — Қобул — Пешовар стратегик темир йўлини қуриш лойиҳаси дунёнинг икки муҳим минтақаси ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармолавий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, Ўзбекистон учун Покистон ҳудуди орқали халқаро денгиз портларига йўл очилди. Бу билан истиқболда Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазига мамлакатлари билан савдо

айланмасини бир неча баробар ошириш учун катта имкониятлар очилади.

Рой ЭНТОНИ РОЖЕРС, Малайя университетининг халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):

— Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири ўртасидаги шахсий дўстлик муносабатлари стратегик шерикликка асосланган юқори даражадаги давлатлараро мулоқотни таъминламақда. Хусусан, 3-4 март кунлари бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунида имзоланган қатор ҳужжатлар тўплами, жумладан, Стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларация ва Илмий-амалий савдо тўғрисидаги битим шундан далолат беради.

Ўзбекистон ва Покистон фармацевтика, тўқимачилик, чарм-поймабзал, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, банк-молия ва бошқа муҳим соҳаларда ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта салоҳиятга эга. Ташриф арафасида имзоланган қиймати 60 миллион долларлик 800 га яқин янги инвестиция ва савдо шартномаси ҳам бунга яқол тасдиқлайди.

Икки мамлакат раҳбарларининг нафақат Ўзбекистон ва Покистонни, балки Марказий ва Жанубий Осиёнинг барча давлатларини иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Термиз — Мозори Шариф — Қобул — Пешовар темир йўлини қуриш лойиҳасидан манфаатдорлиги алоҳида эътиборга лойикдир.



Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу минтақалар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги прагматик сиёсати, албатта, ҳамкорлиқни чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда улар олдига турган муаммоларни ҳал этиш учун янги платформани шакллантиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайман.

Ким ЁНГ ГУ, Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси:

— Ўтган йил апрель ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклидаги мулоқоти бўлиб ўтган эди. Орадан уч ой ўтиб, томонлар



Тошкентдаги саммит якунида стратегик шериклик алоқаларини ўрнатish тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Жорий йил 5 февраль куниники мамлакат етакчилари Пекин шаҳрида ҳам учрашдилар. Ўзбекистон Президентининг Покистонга биринчи давлат ташрифи эса ана шу мулоқотнинг мантиқий давоми бўлиб, ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан мулқо янги босқичга олиб чиқди.

Икки мамлакат раҳбарлари томонидан билдирилган баёнотларда ўзаро манфаатли алоқаларнинг барқарор моделини барпо этиш, мавжуд ҳамкорлик салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишни кўзда тутувчи қатъий фикрлар билдирилганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Исломободда муҳокама қилинган масалалар кўламини низоҳатда кенг, жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорлиқни кучайтириш, ҳудудлар ўртасидаги алмашинувларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш шулар жумласидандир.

Албатта, Афғонистондаги бугунги сиёсий вазият ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон Президенти минтақа давлатлари раҳбарлари билан бўлган учрашувларда ҳам, халқаро ташкилотлардаги чиқишларида ҳам ҳар доим ушбу масалага алоҳида эътибор қаратади.

Бу бежиз эмас. Чунки Афғонистонда барқарорлик таъминланиши минтақа

давлатлари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Бир мисол, Афғонистон ҳудуди орқали ўтайдиган янги Термиз — Мозори Шариф — Қобул — Пешовар стратегик темир йўли Европа Иттифоқи давлатларини Ўзбекистон, Покистон, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан боғлаш имконини беради. Қолаверса, бу йўл битса, Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Қараи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқадиغان энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлак яратилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Покистоннинг Афғонистонга нисбатан тинчлик дипломатияси ва уларнинг келишув жараёнидаги роли, Афғонистонни кенг қўламада қўллаб-қувватлашга қаратилган ўзаро сая-ҳаракатлар Афғонистонда барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ташриф, Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, Ўзбекистон ва Покистон биргаликда нафақат икки мамлакат, балки стратегик жиҳатдан муҳим бўлган Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик кўпригини бунёд этишида муҳим қадам бўлди.

Аҳмад ТОҲИР, “Хивар” сиёсий ва ахборот тадқиқотлари маркази директори (Миср):



— Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик чуқур илдирилган ва бой тарихга эга. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришга янги суръат бағишлади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбари сая-ҳаракатлари билан республиканинг Жанубий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари жадал ривожланимоқда. Хусусан, 2021 йилда Покистон билан

товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ошди, жорий йил бошидан бўён ўсиш 70 фоизни ташкил этмоқда.

Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи темир йўл қурилиши ушбу бепоян минтақада савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада кенгайтиришда бурилиш нуқтаси бўлиб, юк ташин ва хизматлар кўрсатиш нархини сезиларли даражада қамайтиради.

Ўтмишда мен Покистонда юқори мартабали амалдорлар ва экспертлар билан суҳбатлашганимда, улар Марказий Осиёга хавфсиз йўлак йўқлигидан қунон, Афғонистон орқали Шарқий Европанинг кенг бозорларига чиқиш имкониятини берувчи темир йўл қуриш зарурлигини таъкидладилар.

Икки давлат етакчиларининг Стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолагани, савдо, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, туризм, темир йўл қурилиши соҳаларида қатор ҳужжатлар қабул қилингани янги имкониятлар эшигини очиб, икки мамлакат ва дўст халқлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришга туртки беришига ишончим қомил.

Симада ТАКАО, Сидзуоки префектура университети профессори (Япония):



— Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифидаги бир неча муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим.

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари географияси кенгаймоқда. Албатта, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ бошқа давлатлар қатори Покистон билан ҳам алоқалар ўрнатди. Бу Ўзбекистоннинг бутун дунё билан ташқи алоқаларга очилигидан далолат беради. Шавкат Мирзиёевнинг мазкур давлат ташрифи фаол ташқи сиёсат стратегиясининг маҳсулидир.

Иккинчидан, Стратегик шериклиқни ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисидаги қўшма декларация имзолангани Ўзбекистон дипломатиясининг прагматик мазмун-моҳиятидан далолат беради. Йирик минтақавий қуч билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга таъсир ўтказиш яқин келажақда ўз аҳамиятини йўқотмайдиган катта ютуқдир. Учунчидан, ўзаро ҳамкорликнинг иқтисодий таркибий қисмига эътибор қучайтирилмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик фаолиятида ҳаётга таътиб этилаётган бундай тенденция Ўзбекистон раҳбарияти биринчи ўринга иқтисодий манфаатлар ва ўз халқи фаровонлигини қўяётганини ёрқин ифодаламақда.

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИДА
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАМ
ЎЗ ЎРНИ БЎЛАДИ

Аёлни баҳор фаслига менгзаймиз. Бу бежиз эмас. Кўклам ўз таровати билан табиатни яшнатса, аёл латофати, меҳр-мухаббати, садоқати билан ҳаётга зеб беради. Шу боис, аёлга эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизни улуғлаш ва эъзозлаш эзгу қадрият саналади. Бугунги кунда бундай эзгу анъаналарни нафақат давом эттириш, балки янгича маъно-мазмун билан бойитишга улкан эътибор қаратилаётир.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги маъқеини янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказган видео-селектор йиғилишида бу борада амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, ечимини қутаётган масалалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилгани биз, аёлларни беҳад қувонтирди.

Йиғилишда сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларда, Тараққиёт стратегиясида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганига алоҳида ургу берилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Агар халқимиз биздан рози бўлишни хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”, деган гапни эшитиб юртимизнинг барча оналари сингари мен ҳам фахрландим. Аёлни эъзозлаган Ўзбекистондек юртда яшаётганимдан, меҳнат қилаётганимдан гурурланам.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни қар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасида яқин ўтмишда ҳатто тасаввуримизга сиғиролмаган муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бир неча йиллар аввал, аниқроғи 5-6 йил илгари Қорақалпоғистонда ижро тизимида маъсул лавозимда, хусусан, айнан хотин-қизлар қўмитасида меҳнат қилган инсон сифатида яхши эслайман. Ушанда оилавий шароити оғир бўлгани учун на ҳунар эгаллаган, на олий маълумот олган, турмуш таъшишлариға кўмилиб, яшашга уй-жойи ҳам йўқ ишсиз хотин-қизлар қабулимизга ёрдам сўраб келарди. Уларнинг айримлариға касб-ҳунар ўрганиш бўйича тавсиялар берсак, яна бошқалариға бўш иш ўринларидан иш топишға ҳаракат қилардик. Лекин ҳар қанча истасак ҳам, улар кредит ёки субсидиялар ажратиш орқали уй-жой билан таъминланишиға эришса олмадик. Бунинг учун маблағ топишнинг иложи бўлмаган. Ҳеч бўлмаса, бир йилда бир аёлға ёрдам бера олмаганимиздан ўзимизни койирдик, кўнглимиз ранжир эди. Аммо қўлимиздан ҳеч нарса келмасди.

Буни қарангки, бугунги кунда Президентимизнинг сиёсий иродаси билан ёрдамға муҳтож ва оғир ижтимоий вазиятға тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда улар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорлиқни ривожлантиришға давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиладиган бўлди. Натижанда бир йилнинг ўзида аёллар тадбиркорлиғи дастурлари доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаға 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажратилди. 4 мингдан зиёд хотин-қизға уй-жой тўловининг бошланғич бадалиға маблағ йўналтирилди. Эътиборлиси, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларға сафарбар этилиб, уй-жойға муҳтож 14 минг эҳтиёжманд хотин-қизға ижара тўловлари учун 500 минг сўмғача компенсация берилди.



Ҳинд халқининг буюк давлат арбоби Индира Ганди ўз вақтида “Бир қизни ўқитсангиз, бутун миллатни, бутун жамиятни, бутун оилани ўқитган бўлар эдингиз”, деганида қанчалик ҳақ эди. Орамизда ўқимлиши, зиёли, фаҳм-фаросатли, зукко қизларимиз қанчалик кўп бўлса, келажақда улар вояға етказадиган зурриётлар ҳам билимли, кенг дунёқарашға эға ва юксак салоҳиятли шахс бўлиб етишадди. Шу боис, ўтган йили олий таълим олиш ниятида бўлган қизларға енгилликлар яратилиб, 2 минг қиз алоҳида грант асосида олий таълимға қабул қилингани, олий ўқув юртлариға кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этганидан қувонмасликнинг иложи йўқ.

“РЕСПУБЛИКАДАГИ 9309 ТА МАҲАЛЛАДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ ЛАВОЗИМИ ЯНГИДАН ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ. УЛАР ҲАМ ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ВА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ СИНГАРИ ОЧИҚ ТАНЛОВ АСОСИДА, ТАЖРИБАЛИ, ОБРЎ-ЭЪТИБОРЛИ, ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ОРАСИДАН ЛАВОЗИМГА ҚЎЙИЛАДИ.

Шу билан бирға, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш борасида олдимизда қиладиган ишларимиз кўплиғи ҳам аини ҳақиқат.

Кейинги вақтларда оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда айрим оилаларда ҳам руҳан, ҳам жисмонан жабрланаётган ёки янги туғилган чақалогини кўчаға ташлаб кетаётган аёллар ҳақидағи хабарлар қўлогимизға тез-тез чалиниб қоляпти. Бундай нохуш ҳолатлар оила, хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражаға олиб чиқиш заруратини юзаға келтирди. Президент фармонига биноан, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилгани бу борадағи ишларни такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Янги ташкил этилган қўмита раиси аини пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар бошқармалари раҳбарлари ҳоким ўринбосари ҳисобланади.

Республикадағи 9309 та маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади. Улар ҳам ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари сингари очик танлов

Давр нафаси

асосида, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор аёллар орасидан лавозимға қўйилади. Йиғилишда Президентимиз яқин истиқболда давлат бошқарувида аёллар фаоллигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди. Ушбу дастур асосида давлат идораларида ишлаётган раҳбар аёллар улуши белгиланади, ҳар бир вазирлик, давлат ташкилоти, банк ва бошқа идоралар бир-икки йил ичида ўз тизимидағи аёлларни раҳбарликка ўқитиб, камида 1 нафар ўринбосари ҳам аёллардан тайинланади.

Кези келганда айтиш керак, бугунги кунда парламент қўйи палатаси депутатлари таркибида аёллар сони 48 нафарни ташкил этади. Парламентда доимий асосда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси фаолият юритади. 2021 йилда комиссия томонидан аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, соҳаға оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу йўналишдағи дастурларни ҳаётға татбиқ этиш каби йўналишларда изчил ишлар олиб борилди.

Ўтган йили комиссия аъзолари ҳудудларға чиққан ҳолда, фуқаролар билан турли учрашувлар ўтказиб, хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ечими юзасидан зарур чораларни қўришға алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, комиссия аъзолари ҳудудларда жами 6 марта на-

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ
ИДОРАСИ УЛАМОЛАР КЕНГАШИ
БАЁНОТИ

Бошланиши 1-бетда

2022 йил 2 февраль куни Президентимиз экологик ҳолатни яхшилаш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалға ошириш юзасидан ўтказилган йиғилишда шу каби долзарб масалаларға алоҳида тўхталиб, жумладан, оналаримиз ўзимиз истиқомат қиладиган ҳовли, теварак-атрофини покиза, тоза сақлаш кераклиғи ҳақида таълим беришганини таъкидлади. Ҳақиқатан, азалий қадриятларимизда тупроқ ва сув, умуман, табиат алоҳида қадрланган. Президентимиз, жумладан, бундай деди: “Бирни кессанг, ўрни эк”, деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган. Дарахт эккан одамға унинг савоби тегиб туради, дейилган. Оилада фарзанд дунёға келса, унга атаб ниҳол экилган.

Дунё микёсида саноат юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшайи керак. Бунинг учун биз табиатға эътибор беришимиз, фақат бугунги эмас, яқин ва узоқ келажақни ўйлаб иш туттишимиз зарур.

Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Бугун кўчаға ёки исталган жойға қаранг. Ҳамма жойда одамлар ташлаб



кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Нима учун уни тоза-озода сақламаймиз? Ахир, муқаддас китобларимизда ҳам “Поклик имондандур” дейилган”.

Давлатимиз раҳбарининг жонқуярлик билан айтган сўзлари аини ҳақиқат. Чунки сўнгги пайтларда аҳоли орасида атроф-муҳитға беписанд, лоқайд қараш ҳоллари кузатишмоқда. Бунинг натижасида эса, табиийки, глобал экологик муаммолар юзаға келмоқда.

Мухтарам юртдошлар! Аллоҳ таоло бизға атроф-муҳитни озода сақлаш, муҳофаза қилиш ва ифлослантирмасликка буюрган. Шу билан бирға, динимиз том маънода поклик динидир. Бежиз Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Поклик имоннинг ярмидир”**, демаганлар (*Имом Бухорий ва Имом Молик ривоятли*).

Инсон имонининг ярмини поклик, тозалик орқали мустаҳкамласа, қолганини илм воситасида эгаллайди. Бундан кўринадики, атроф-муҳит муҳофазаси мустаҳкам илмий асосға эға бўлиши зарур.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, Аллоҳ (айбу нуқсондан) покдир — хушбўйликни судяди, озодадир — озодалиқни судяди, қарамлидир — олийҳимматни судяди, саҳийдир — саховатни судяди...”**, дедилар (*Имом Термизий ривоятли*).

Шу билан бирға, Пайгамбаримиз алайҳиссалом: **“Уйларингиз атрофини пок тутинлар”**, деганлар (*Имом Бухорий ва Табароний ривоятли*). Зеро, Ватан остонадан — уйдан бошланади.

Уйларимиз атрофи, ариқлар, кўчалар, қабристон ва унинг атрофини ҳашар йўли билан тозалаш қадимдан халқимизнинг яхши одатларидан. Мана, неча асрларки, бу урф-одат халқимиз қадриятларида ўз ифодасини тошмоқда. Аммо сўнгги пайтларда юртдошларимиз бу қадриятлардан узоқлашгандек гўё.

Шу боис, давлатимиз раҳбари бу масалаға маҳалла фаоллари, нурунийлар, уламолар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилиқни эътибор қаратишға даъват этиб, барчанинг зиммасидағи муҳим вазифани бундай баён этди: “Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунға ёш авлод қалбида она табиатға дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда “бу ишингиз нотўғри бўлди”, дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларни бунға ўргатишимиз керак. Бу ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир”.

Ёши улуғларимизнинг сувға чиқинди ташлаш ва ҳатто тош отишға ҳам қўймасдан: “Сувнинг ҳам, ернинг ҳам жони бор, озор бериб бўлмайди”, деган ҳикмати моҳияти ҳақида бугунги ёш авлодға ҳам таълим бериш керак. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида: **“Учта жойға: сув ўзанлариға, серкатнов йўллариға ҳамда соя-салқин ерларға ахлат ташлаб, лаънатға қолишдан қўрқинлар”**, деганлар (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривоятли*). Бироқ бугун бу ҳадисға амал қилмайди, лаънатдан қўрқмайдиган одамлар ҳам учраб тургани кишини ажаблантиради.

Қуръони каримдағи 750 га яқин оят табиат ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритишға ва Аллоҳ таолонинг яратилари ўртасидағи муносабатларни ўрганишға ундайди.

Улуғ алломалар асарларида ҳам атроф-муҳитға оид бир қатор масалалар баён этилган. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида атроф-муҳитнинг инсон саломатлиғи ва руҳиятиға таъсирини очиб берган. Амир Темур бўз ерларни ўзлаштирган кишилар ёки боғ қилганларни рағбатлантирган. Алишер Навоий эса, табиатға хиёнатни дўстға хиёнатға қиёслаган.

Аллоҳ таоло бизнинг яхши яшашимиз учун неъмат қилиб берган Ер сайёрасиға нисбатан яхши муомалада бўлишға буюради.

Акс ҳолда, фожиали фалокатлар содир бўлади. Сайёраимизда юз бераётган кўплаб техноген ҳолатлар, жумладан, атмосфераға чиқарилаётган чиқиндилар сабаб иқлимнинг кескин ўзгариши, табиий бойлиқлардан нооқилона фойдаланиш оқибатида дарё ва денгизларнинг қуриши кабилар кенг жамоатчилиқни ташвишға солмоқда.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Рум” сураси 30-оятда бундай хитоб қилады: **“Одамларнинг қилмишлари туфайли қуруқлик ва денгизда бўзғунчилик пайдо бўлди. Бу уларнинг (ўз қилмишларидан) қайтишлари учун қилган баъзи (ёмон) ишлари (жазоси)ни уларға торттириш учундир”**.

Демак, қурғоқчилик, зироат ва тижоратдан бараканинг кетиши, турли касалликларнинг тарқалиши ҳамда ўт, сув балоси каби офатлар одам-

ларнинг қилмишлариға яраша огоҳлантиришдир.

Мухтарам юртдошлар! Чин мусулмон киши нафақат инсонларға, балки табиатға ҳам озор бермайди. Уни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш пайда бўлади. Бу ташаббус ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган ҳар биримизни огоҳликка қақиради.

2021 йил ноябрда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200 миллион тул дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Шунға мувофиқ, кузда 85 миллион донна кўчат ўтказилди. Кўплаб ташкилотлар, муассасалар, умуман, кенг жамоатчилик бу савоби ишда жонбозлик кўрсатди. Бу йил баҳор мавсумида 125 миллион донна дарахт кўчати экиш мўлжалланмоқда.

Мазкур йиғилишда Президентимиз “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард тул дарахт кўчатини экишни мақсад қилганмиз. Бу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савоби ишни ҳавас билан қилиш керак”, деди.

Динимиз ҳам бундай хайрли ташаббусға хайрихоҳ бўлиб, кўкаламзорлаштириш ишларини кенг тарғиб қилады. Бунға Набий алайҳиссаломнинг ҳатто уруш пайтида ҳам дарахтларни сабабсиз кесмаслиқни, ўрмонларни ёқмаслиқни буюрганлари атроф-муҳит муҳофазасиға эътиборнинг юксак кўринишидир.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулulloҳ алайҳиссаломдан ривоят қилган ҳадисда: **“Агар бир мусулмон банда кўчат ўтказса ёки экин экса, ундан қўшми, инсонни ё ҳайвонни еса, бунинг учун унга садақа (қилганлик савоби) бўлади”**, дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривоятли*).

Дарахт экиш инсонға нафақат тирикчилигиде, балки вафотидан сўнғ ҳам манфаат етказиб туради, қиёмат кунигача садақаи жория сифатида банда фойдасиға хизмат қилады.

Бундан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини кўчат ўтказиш ва экин экишға тарғиб қилганлари маълум бўлади. Ҳатто Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар қиёмат қоим бўлиб қолса ва шу вақтда бирортангизнинг қўлида хурмо кўчати бўлса, уни экишға улгурса, экиб қўйсин”**, дедилар (*Имом Бухорий ва Аҳмад ривоятли*).

Бундан келиб чиқадики, ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган шаҳару қишлоқларимизни, маҳаллаларимизни обод қилиб, жорий йилнинг 1 мартдан “Яшил макон” умуммиллий тадбири доирасида бошланган кўкаламзорлаштириш ишларида фаол бўлиб, масжидларимиз атрофиға, маҳалла-қўйларимизға, кўчаларимизға бир тулдан кўчат ўтказсак, бутун мамлакатимиз обод бўлиб, боғу бўстонға айланади.

Бундай хайрли ишларимизнинг савоби садақаи жория сифатида то қиёматгача номаи аъмолимизға тўхтовсиз савоб бўлиб ёзилиб туради, иншааллоҳ.

Мухтарам юртдошлар! Аллоҳ таоло барчамизни покликка интилувчи, биланлариға амал қилувчи, жисму имони, уй-жойи — Ватанини тоза тутувчи, боғу роғлар ўстирувчи ва ер юзини обод қилувчилардан айласин!

Бу ишларимиз қиёматгача садақаи жория бўлишини насиб этсин! Омин!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Уламолар кенгаши



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ЭНГ МАҚБУЛ ТЕЖАМКОР ТИЗИМ

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида 20 миллион гектардан ортиқ, жумладан, 3,2 миллион гектар сугориладиган экин майдонларидан фойдаланилади. Ана шу заминда аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хомашё етиштирилади.



Ғиёсжон РАҲИМОВ,
Ирригация ва сув муаммолари
илмий-тадқиқот институтининг
бўлим mudiri, қишлоқ ҳўжалиги
фанлари доктори, профессор

Глобал иқлим ўзгариши жараёнида аҳоли сони ўсиши ва иқтисодиёт ривожини, сувга бўлган талаб йил сайин ошиб бориши туфайли унинг ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучаймоқда. Шу боис, сув ресурсларини самарали бошқариш, улардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш мамлакатимиз аграр соҳаси олимлари, мутахассислари, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоғқа ер эгалари ҳамжамияти олдига турган муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 миллиард куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 миллиард куб метр, 2050 йилга бориб эса 15 миллиард куб метр суви билан таъминланди.

2021 йил баҳоридида ёғингарчилик кам бўлгани, ёз ойлари ўта иссиқ келиши боис, сув ресурслари ҳар йилгидан 25-30 фоиз танқис бўлди. Шунга қарамай, сувчиларимизнинг ишни оқилона ташкил этиши, машаққатли меҳнатлари эвазига истеъмолчилар йил давомида 44 миллиард куб метр, сугориш мавсумида 32,6 миллиметр куб метр сув билан таъминланди.

Сув танқислигини юмшатиш мақсадида тик қудуқларга 100 донна насос ҳамда коллектор тармоқларига 1172 донна дизель насоси ўрнатилиб, ер остида 395 миллион куб метр, зовурлардан 784 миллион куб метр сув олинди. Бунинг натижасида таъминоти оғир 352 минг гектар майдонга сув зарур миқдорда етказиб берилди.

Йил давомида сув ресурсларини самарали бошқариш, обихаётини тежайдиган ва рақамли технологияларни жорий қилиш, ирригация-мелиорация ишлари, ерларни лазерли текислаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобидан 7,5 миллиард куб метр сув тежалишига эришилди.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бундан ўн беш йил аввал Нишон туманида балиқчилик билан шўгулланишни бошлаган тадбиркор Зафар Қиёмов бир кун келиш нафақат туманда, балки вилоят миқёсида шу соҳанинг етакчи вакиллари билан бирга айланишини мақсад қилганди. Қатъий ишонч ва астойдил ҳаракат Зафар акани аниқ манзил томон етаклади.

Акбар РАҲМОНОВ, журналист

Албатта, ўша пайтларда ёш тадбиркор мақсад сари анчагина машаққатли йўлларни босиб ўтиши керак эди. Бунда кимдир тўғри йўл кўрсатди, яна кимдир шаштини сўндиришга интилди. Лекин мақсад сари маҳкам бел боғлаган Зафар ака дадил ҳаракат билан олдинга интилди. Барча соҳада бўлгани каби балиқчиликни ривожлантириш ҳам осон эмасди. Энг қизиги, ўша вақтлари бу соҳа билан шўгулланивчи тадбиркорлар саноқли эди.

Интилишлар, доимий ҳаракатлар аста-секин натижа бера бошлади. Дастлаб "Соф ҳавзалар" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Ушбу жамият ҳисобига Нишон туманидан сунъий сув ҳавзаси қурилиб, сазан, беламаур, толстолоб балиқларини етиштириш учун иш бошланди.

ЮҚОРИ ҲОСИЛ КАФОЛАТИ

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридида 2021 йилда бундай технологиялар татбиқ этиладиган ер майдонларини 5 баробар кўпайтириш ва 430 минг гектарга етказиш белгилаб берилган эди. Ушбу вазифалар ижроси тўлиқ таъминланди.

2021 йилнинг ўзида сувни тежайдиган технологиялар 433 минг гектар майдондан жорий этилди ва бу сугориладиган майдонларнинг 17 фоизи демакдир. Кенг кўламли ишлар эвазига 511,4 минг, жумладан, 194,0 минг гектар майдонда томчилатиб, 11,2 минг гектарда ёмғирлатиб, 5,9 минг гектар пахта ва бошқа экин майдонларида дискрет сугориш тизими жорий қилинди.

Замонавий технологиялар ҳосилдорликка ва унинг сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Silver Life" кластери томондан 2100 гектар ёки корхонага ажратилган майдонларнинг юз фоизиди дискрет сугориш технологияси жорий қилинган. Натижада ҳар йили ўртача 4,6 миллион куб метр сув ва 78,8 миллион сўм маблағ тежалиб, қўшимча 945 тоннагача пахта ҳосили олинган.

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги "KhanTex group" кластер корхонаси эса сув таъминоти оғир, тупроқ унумдорлиги паст 2000 гектар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини татбиқ этди. Сувни сарфлаш миқдори 30-35 фоиз камайиб, гектаридан олинган ҳосил 55 центнерга етди.

2021 йилда Гўрлан туманидаги "Гўрлан глобал текс" пахта-тўқимачилик кластери томондан 178 гектарда томчилатиб сугориш жорий этилиб, 45 центнердан пахта етиштирилган. Ҳосилдорлик олдинги йилга нисбатан 15 центнер кўпайган. Бу йил яна 617 гектар майдонда замонавий тежамкор қурилмалар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Фарғона вилояти Қўштепа туманидаги "Fergana Global textile" пахта-тўқимачилик кластери томонидан тупроғи қумлоқ, сув доим танқис, пахтадан ўртача 10-12 центнер ҳосил олинадиган 215 гектар майдонда Исроилнинг "Netafim" компанияси билан ҳамкорликда томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш учун 520 минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилди. Ушбу майдонлардан ўртача 45 центнердан хирмон кўтарилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги қарори асосида тасдиқланган Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисmini қоплаш ва берилган субсидияни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланган 93,7 минг гектар пахта майдони учун давлат бюджетидан 750,7 миллион сўм субсидия ажратилди.

Яна бир муҳим жиҳати, сувни тежайдиган технологиялар ускуналари ва бутловчи қисmlарини ишлаб чиқаришни маҳаллий корхоналар томонидан ўзлаштириш ва ҳажмини кенгайтиришга эътибор кучайди. Агар 2019 йилгача бу йўналишда бор-йўғи 3 та корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар сони 43 га етди. Ҳар гектар ерга ўрнатилган технологиялар таннархи уларни бошқа давлатлардан келтириш харажатларининг тежалиши ҳисобига 15-20 фоизгача пасайди ёки 5 миллион сўмгача арзонлаштириш имконини бериб.

Яқинда Наманган вилоятида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимлари ишлаб чиқарувчи янги корхона ишга туширилди. Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қурилаган корхоналар 2022 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан вегетация даврида республика бўйича 3 миллиард куб метргача сув (қишлоқ ҳўжалигида сарфланадиган сув ресурсларининг 6 фоизи) тежалиши ва қўшимча 400 минг гектар тақрорий экинларни сугоришга йўналтирилиши белгилаб берилди. Жорий йил якунига бориб экин майдонларида сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши 27 фоизга етказилади.

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ ЛОЙИХАЛАР

Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг (ташқи манба ресурсларини жалб қилиш) тизими жорий этиш орқали сув ҳўжалиги объектиларини фермер, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш, тежалган маблағни тизим объектиларини модернизация қилиш ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтиришга эътибор қаратилмоқда. 2021 йилда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича қиймати 1,216 миллиард сўм бўлган 100 та лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманидаги ирригация-мелиорация объекти "TCT Agro Clacter" МЧЖ ҳамда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги насос станциялар

"Marogand sifat" МЧЖга тўлиқ давлат-хусусий шериклик асосида берилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида хусусий шериклар томонидан дастлабки 3 йилда 112,3 миллиард сўм миқдоридида инвестиция киритилиши ва 152,9 миллиард сўм бюджет маблағи иқтисод қилинишига эришилади.

Маълумотларга қараганда, Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан 2020 йилда 8 та, 2021 йилда 100 та лойиҳа юзасидан хусусий шериклар билан битимлар имзоланган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 1 триллион 333 миллиард сўмни ташкил этиб, дастлабки йилларда хусусий шериклар томонидан 146,3 миллиард сўм инвестиция маблағлари киритиш ва бунинг натижасида 144,5 миллиард сўм бюджет маблағларини иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул туманидаги Бекяб-48 насос станция-

“ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚўШТЕПА ТУМАНИДАГИ “FERGANA GLOBAL TEXTILE” ПАХТА-Тўқимачилик кластери томонидан тупроғи қумлоқ, сув доим танқис, пахтадан ўртача 10-12 центнер ҳосил олинадиган 215 гектар майдонда Исроилнинг “Netafim” компанияси билан ҳамкорликда томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш учун 520 минг долларлик замонавий ускуналар ўрнатилди. Ушбу майдонлардан ўртача 45 центнердан хирмон кўтарилди.

ошириш, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш устувор вазифалар сирасига қиради.

Соҳадаги илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 8,1 миллиард сўмлик давлат илмий-техник дастурлари доирасида 9 та амалий ва инновацион фундаментал ҳамда 23 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари бажарилди. Сув ресурсларини бошқариш, тежамкор технологиялар, сугориш тармоқлари ва гидротехника иншоотларини таъмирлаш йўналишларида 35 дан ортиқ тавсиянома ҳамда йўриқнома ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Худудларда 10 дан ортиқ илмий-тадқиқот полигонининг фаолияти йўлга қўйилди.

Олиб борилган илмий-амалий, фундаментал тадқиқотлар натижаларининг соҳага татбиқ қилиниши сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда истеъмолчилар орасидаги тақсимот даражасини 15-20 фоиз, насос станцияларининг иш самарадорлигини 15-20 фоиз оширишга ва электр энергияси сарфини 3-5 фоизгача иқтисод қилишга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг сув ва бошқа моддий-техник ресурсларни 20 фоизгача тежашига имконият яратди.

Вазирлик ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг 6 тадқиқотчиси техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 1 нафари фан доктори (DSc) диссертациясини ҳимоя қилиб, илмий даражага эга бўлди. Ўтган йилдан бошлаб институтнинг Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё минтақавий марказлари ташкил этилди.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида “Сув тежамкор сугориш технологиялари” бўйича магистратура мутахассислиги ва “Сув ҳўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” бакалавр таълим йўналиши очилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидидаги коллежларда “Сув тежовчи сугориш тизимларида ҳизмат кўрсатиш техникаси” касби бўйича янги йўналиш ташкил этилиб, 2021/2022 ўқув йилидан техник мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Сув ҳўжалиги соҳасидаги 5 500 нафар раҳбар ходимнинг, шундан 2777 нафари сувдан фойдаланиш ва сув тежовчи сугориш технологияларини жорий қилиш йўналиши бўйича малакаси оширилди.

Мухтасар айтганда, сув ресурсларини самарали бошқариш, улардан оқилона ва тежамкор фойдаланиш масалаларини ҳал этишда илм-фан ва амалиёт уйғунлигининг аҳамияти катта. Унинг самарадорлигини ошириш соҳанинг замонавий асосда ривожланишини таъминлайди, тежамкор технологияларни янада кенг қўллаш учун мустаҳкам замин яратди.

БАЛИҚЧИЛИК МАҲАЛЛАСИ ҳам уй-жой, ҳам иш билан таъминлайди



омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 2020 йилда бозорга жамият томонидан 400 тоннадан ор-

тиқ балиқ етиштириб берилган бўлса, 2021 йилги мавсумда бу кўрсаткич 600 тоннага етказилди.

— Ўтган йили синов тариқасида ярим интенсив усулда балиқ парвариш-лаб кўрдик, натижа яхши бўлди, — дейди "Соф ҳавзалар" МЧЖ иш юритувчиси Баҳодир Қиёмов. — Эндиликда тўлиқ интенсив усулда иш олиб бориш ҳаракатидаммиз. Ҳозирда сув ҳавзаларимиз қайта реконструкция қилиниб, беш гектарлик майдонда янги сани кўрдик. Ҳозирда бу ҳавзалар мавсумга тайёрланмоқда. Бу эса бизга кам харажат орқали кўп даромад олиш имконини беради.

Шу билан биргаликда, Президентимизнинг жорий йил 13 январдаги "Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишларни бошлаб юбордик. Жўмладан, шу жойнинг ўзида ёпиқ тарзда янги кичик сув ҳавзалари барпо этилмоқда. Ҳар бир ҳавза балиқ боқишга қизиқувчи фуқароларга берилади.


Ўзимиз чавоқлар, омухта ем билан таъминлаймиз. Шунингдек, балиқ боқишга керакли бўлган тавсияларни бериб борамиз. Маҳсулот тайёр бўлган ҳолда сотиб оламиз. Бу биринчи лойиҳамиз. Иккинчиси қўра, шу жойнинг ўзида йигирмата хонадон учун уй-жой барпо этилади. Ҳар бир хонадон учун эса бир гектарлик сув ҳавзаси фойдаланиш учун берилади. Бир сўз билан айтганда, балиқчилар маҳалласи тузилади. Яъни ҳар бир оила биттадан хонадонга эгалик қилиб, ўзи учун ажратилган бир гектарлик жойда балиқ етиштириш билан шўгулланади. Демак, бир вақтнинг ўзида йигирмата оила ҳам уй-жой билан, ҳам иш билан таъминланади.

Балиқчилик кластери тизимига ўтишни режалаштираётган "Соф ҳавзалар" масъулияти чекланган жамияти келгусида балиқ маҳсулотлари билан мамлакатимиз бозорини бойитиш, кўп сонли аҳолини иш билан таъминлаш, хонадонларнинг балиқчиликка ихтисослашувини янада оширишга ҳисса қўшишни бош мақсад қилган. Дарвоқе, жамият қошида мунтазам равишда балиқ етиштиришга қизиқувчи фуқароларга маслаҳатлар бериб бориш маркази ҳам ташкил этилган. Бу эндигина соҳада ҳаракат бошлаганлар учун қўл келмоқда.



БУГУННИНГ ГАПИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИГА АЙЛАНМОҚДА



Бугунги фаровон ҳаётимиз, ёруғ келажакимиз ва мамлакатимизнинг эртанги тараққиётини таъминлашда оила ва жамият устуни бўлган хотин-қизларнинг ўрни жуда муҳим. Шу боис, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аёлларнинг ҳар жабҳада фаоллигини ошириш, опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш ва орзу-умиди, интилишларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар таҳлил этилиб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтаришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Қуйида Олий Мажлис Сенати аъзолари, депутатлар, давлат бошқаруви соҳаси вакиллари ва олимларнинг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.



Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари



Президентимиз раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеи янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида эришилган натижалар қаторида хотин-қизларни йиллар давомида ўйлантириб келган масалалар ечимни қўрсатилди, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида қўлланма, лекин жуда зарур бўлган янгиликлар жорий қилинди. Аввало, ҳар бир маҳаллада аёлларнинг дарди, муаммолари билан ишлайдиган тизим яратилиши белгиланди. Турли ёш ва қатламдаги опа-сингилларимизга етиб борадиган йўналишлар кўзда тутилди. Натижада минглаб оилаларнинг турмуш шароити яхшиланади, қанча-

27 минг нафар аёлнинг ўй-жой шароитини яхшилаш бўйича аниқ режа белгилаб олинди

дан-қанча хотин-қизларнинг орзулари ушалади.

Биринчи муҳим масала: шу кунга қадар хусусий секторда ишлайдиган хотин-қизларга "декрет пули" иш берувчи зиммасига юклатилиб, уни ҳодимга бериш раҳбарнинг инсофига боғлиқ эди. Ёш оилаларда онанинг фарзанд тарбияси билан шугулланиши ва бу муддатда даромадсиз қолиши оиланинг моддий ҳолатига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 700 минг чақалоқ дунёга келмоқда. Фарзандли бўлган аёл ўзини тиклаб олиши ва фарзандига қараши учун камида 4 ойга ишдан ажралиши, декретга чиқиши керак.

Айтиши керакки, ушбу масала депутатларнинг ўз сайлов округидаги учрашувларида бир неча бор кўтарилган. 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизимини йўлга қўйиш, бу мақсадлар учун жорий йилда бюджетдан 200 миллиард сўм, 2023 йилда эса 1 триллион 700 миллиард сўм йўналтирилиши оилаларнинг ҳуқуқлари таъминланишига хизмат қилади. Энди хусусий секторда меҳнат қилаётган аёлларга ҳам 4 ойга 2 миллион сўм миқдорда бир марталик ҳомиладорлик нафақаси тўлаб берилди.

Иккинчи муҳим масала — эҳтиёжманд аёлларнинг ўй-жой шароитини яхшилаш масаласида кейинги йилларда мустаҳкам тизим яратилмоқда. Оғир турмуш шароитига тушиб,

бошпанасиз қолган оилалар, айниқса, аёлларга "ижтимоий ўй-жойлар" ижара асосида ажратилиши яна бир муҳим янгилик бўлмоқда.

Кам даромадли, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилаларни энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири — ўй-жой олиш учун бошланғич бадални шакллантириш бўларди. Депутатлар ҳудудларда мутасадди ташкилотлар билан ўтказадиган сайёр қабул ва очик мулоқотлар жараёнида шу масалада саволлар берилар, аммо уларга жавоб бериш қийин эди. Эндиликда 27 минг нафар аёлнинг ўй-жой шароитини яхшилаш бўйича аниқ режалар белгилаб олинди. Ўй-жойга муҳтож 14 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизга ижара тўловлари учун 500 минг сўмгача компенсация берилиши белгиланди. Бу борада 2022 йилда республика бўйича мингта ижтимоий уйлар сотиб олинди, вилоят ҳокимлари ушбу уйларнинг 700 тасини ўй-жойга муҳтож ёлғиз аёлларга ижарага беради ва улар касб-ҳунарга ўргатилади. Натижада мамлакатимиздаги қанчадан-қанча муҳтож оилаларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланади, йиллар давомида ўз уйи, бошпанасига эга бўлиш илинжида яшаган минглаб аёлларимизнинг орзу-си ушалади.

Мана шу мақсадларни умумлаштириб, бир-бирига боғлаб турадиган яхшилаш масаласида кейинги йилларда мустаҳкам тизим яратилмоқда. Оғир турмуш шароитига тушиб,

римиз рўзғор юмушлари, турмушнинг ҳар хил муаммолари билан ўралашиб қолмай, интеллектуал фаолият билан машғул бўлсин, бизнес юритсин, сиёсий-ҳуқуқий фаол бўлсин, фарзандларини ҳам етук авлод сифатида тарбияласин, деган эзгу ниятлар қўзланмоқда. Аёлнинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарса, бора-бора бутун оиладаги муҳит, шунга қараб жамият ҳам ўзгаради.

Шу маънода, ҳар биримиз давлатимиз раҳбари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича белгилаб берган вазифалар мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиб, ўзимизга ҳулоса чиқаришимиз зарур. Янгиликлар кўп, вазифалар қамрови кенг. Уларни амалга ошириш учун ихро ҳокимияти тузилмалари билан, парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам жараёнда фаол қатнашиш талаб этилади. Имтиёз ва имкониятлар ўз эгаларига — опа-сингилларимизга етиб бориши учун доимий равишда депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш зарур бўлади.

Юқорида таъкидланган масалаларнинг амалга ошириш натижасида жамиятимизнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, шу билан бирга, маънавий қиёфаси ҳам ўзгаради. Шунинг учун белгиланган вазифаларни бажаришга виждонан ҳисса қўшиш соҳамиз, вазирамиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Гендер маданияти ва маърифати

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер масалалари қўмитаси раиси ўринбосари



Президентимиз видеоселекторда мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган гендер стратегиясининг ўзбекона мазмун-моҳиятига тўлақонли оидинлик кириштириб берди. Бу, аввало, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таъйин ва ўзвонлиқдан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган дастурий мақсадларда ўз ифодасини топи.

Сир эмас, тараққиётимизнинг бугунги янги босқичига ўтиш даврида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос ютуқлар баробарида, бир қатор долзарб муаммолар сақланиб қолмаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ жойлардаги опа-сингилларимизнинг муаммоларини ўрганиш, ишбилармон меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунаrlарга ўқитиш, иш билан таъминлаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунаrmандчиликка кенг жалб этиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган. Ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган хотин-қизлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар ва ўзгалар парваришига муҳтож кекса

ёшдагиларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатишга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Ҳудудлар, айниқса, чекка қишлоқларда тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш, бемор хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш, ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган хотин-қизларни қўриқдан ўтказиш даврийлиги мунтазам тусга эга эмас, хотин-қизларга томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари ҳамда уларга услубий-амалий кўмаклашиш тизими самарали йўлга қўйилмаган.

Яна бир жиҳат шундаки, боқувчисини йўқотган, ажралиш ёқасида турган, шунингдек, узоқ муддатта яшаш жойидан чиқиб кетган аёлларнинг оиласида вояга етаётган фарзандларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ҳам талаб даражасида эмас.

Сенаторларимизнинг жойлардаги ўрганишлари жараёнида ҳам қишлоқларда вояга етаётган қизларнинг иқтидорини ўз вақтида аниқлаш, уларни рўёбга чиқаришга кўмаклашишда тизимли ишлар йўлга қўйилмагани кўзга ташланмоқда. Ушбу долзарб вазифалар ихросини тизимли тарзда амалга оширишни таъминлаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Қўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринбосари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Жойларда қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари эса ҳоким ўринбосари мақомида иш юритадиган бўлди. Янги қўмита Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадили жағрамаси ҳамда "Аёллар дафтери" жағрамасини бошқаради. Айни пайтда 9 минг 309 та маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосари лавозимлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди ҳамда ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинади.

Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари очик танлов асосида, тажрибали, обрў-эътиборли, тадбиркор аёллар орасидан лавозимга қўйилади. Шундай қилиб, маҳаллада энди яхлит тизим ташкил этилади ва кўзда тутилаётган мақсадлар ихроси сўзсиз бажарилиши таъминланади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинади?

Абира ҲУСАИНОВА,
Бухоро давлат университети профессори, сенатор



Видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, таълим тизимининг барча погоналарида ўқишга интилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дастури қабул қилинади. Унинг доирасида пойтахтимизда асосан, хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида

тўқимачилик соҳасида алоҳида университет ташкил этилади. Жойларда унинг техникумлари ҳам очилади.

Шунингдек, айни пайтда аёлларимиз улуши паст бўлган аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ОТМларда хотин-қиз талабалар улуши ҳозирги 24 фоиздан 40 фоизгача етказилиши, бунинг учун ҳар йили хотин-қизларнинг талаба бўлишига квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва ҳуқуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши кўзда тутилди.

Фахрланишимиз керакки, бунақа имтиёзлар бошқа бирор давлатда йўқ, янги ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртлари, техникум ва коллежларда ўқийётган қизларга таълим контрактларини тўлаш учун илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит берилди. Энди магистратурада ўқийётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилди (23 минг нафар қизга 200 миллиард сўм). Шунингдек, ёш фарзандлар бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шарт яратилиб, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадили квота ажратилдиган бўлдики, бу илм ва маърифат ривожига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари мактабда ўқийётган қизлар ва маҳалладаги аёлларнинг касб-ҳунарга эгаллаши учун барча шароитлар яратилишини таъкидлади. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қоплати янада кучайтирилади. Бунда мамлакатимизда шу кунларда кенг жамоатчилик томонидан атрофчила муҳофиза қилинган, Олий Мажлис Сенати муҳофизасига қўйилаётган янги таҳрирдаги "Меҳнат кодекси" ва унда тақлиф этилаётган қарорларлар мустаҳкам асос бўлади, деб уйлайман.

Аёллари эъзозланган юрт қудратли бўлади

Гавҳар АЛИМОВА,
Каттакўрғон шаҳар ҳокими, сенатор



Буюк аллома Абу Райҳон Беруний аёлни олмосга ўхшатади. Олмос олмос бўлгунча, неча-неча қарлардан ўтади, қўллаб синовларга чидайди. Натижада қирралари шундай жилю топадики, ярақлаганида кўзини олади. Назаримда, ушбу таъриф замирида замондош ўзбек аёллари сиймоси акс этгандай.

Зеро, опа-сингилларимиз бугунги кунда оилани бекаму кўст тутиб, фарзандларини тарбиялаш билан бирга, жамият ҳаётида ҳам муносиб ўрнини топпоқда. Шубҳасиз, бундай ютуқларга эришишда давлатимиз томонидан яратилиб берилган имкониятлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор муҳим омил бўлмоқда. Бу борада эришилган ютуқлар бутун дунё жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотаётди. Ишончимиз комилки, бу анъаналар давом этади, ўсиб-ўлғайиб келаётган қизларимиз биздан ҳам катта натижаларга эришади.

Видеоселекторда бу борада муҳим вазифалар белгилаб берилди. Миллий дастури муваффақиятли амалга ошириш учун меъёрий-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш вазифаси қўйилди. Жумладан, гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, оналик ва болалиқни муҳофиза қилиш чораларини кучайтириш, давлат, жамоат ва хусусий секторда меҳнат қилаётганларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва қонуний манфаатлари ҳимояси янада кучайтирилади.

Яна бир муҳим жиҳат — хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишга Миллий дастурининг асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Президентимиз видеоселекторда таъкидлаганларидек, кейинги йилларда давлат ҳамда жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ҳамда мавқеини янада мустаҳкамлаш учун қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, давлатимиз раҳбари қайд этиб ўтганидек, олдимизда ҳал қилиниши керак бўлган масалалар мавжуд. Иқтидорли хотин-қизларимизни ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор.

Қизларнинг таълим олишига қўшимча шарт яратилиши ислохотларимизнинг кўзга кўринган натижаларидан бири бўлгани сир эмас. Илм-фан соҳасида аёллар ўрнини янада ошириш учун муҳим йўл-йўриқлар берилдики, келгусида зиёлилар қатламида олимларнинг сонни кескин кўпаяди.

Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, маданий ҳордиқ чиқариши учун қўшимча шарт-шароит яратиш ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Миллий дастурга кўра, энди бу масала ҳам тизимли равишда ҳал этиб борилади.

Тадбиркорликни мақсад қилган опа-сингилларимизга янги имкониятлар берилмоқда

Носирхон АБДУЛЛАХОНОВ,
"ANAMED" диагностика маркази раҳбари, сенатор



Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган гендер сиёсати БМТнинг Мингйиллик декларациясида белгиланган миллий мақсад ва вазифаларга монандлиги билан диққатга сазовор. Масалан, камбағалликка барҳам бериш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, экологик барқарорликка эришиш долзарб вазифага айланди.

Видеоселекторда аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилиши белгиланган мақсад мувофиқ бўлди. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун "Бизнес аёллар" дастури қабул қилинади.

Банклар томонидан аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича

қатор вазифалар белгилаб олинди. "Халқ банки" тажрибаси асосида аёлларни эшитиш ва уларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича билим платформаси яратилиши, ҳар бир банк бир нафар аёл раис ўринбосарини тайинлаши муҳим экани кўрсатиб ўтилди.

Тадбиркорликни мақсад қилган опа-сингилларимизга янги имкониятлар берилмоқда. Мисол учун, тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаган аёлларга банк хизматлари билан бирга, курслар ташкил этилади. Фаолиятини бошлаганига 6 ойдан 12 ойгача бўлган аёл тадбиркорларга 300 миллион сўмгача, 2 йилгача ишлаганига 1 миллиард сўмгача, 2 йилдан ортқ ишлаганига 3 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилди.

2022 йил 1 майдан бошлаб кичик бизнесни бошлаётган тадбиркор аёлларга асбоб-ускуна, жумладан, тикувчилик ва ип-иймгувур, қандолат дастохлари, сартарошлик жиҳозлари учун амалдаги субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилаётгани, томоғқасида гул, лимончилик, мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш ҳамда қораччилик, паррандачилик, баллиқчилик, асалари-чиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши ҳам хотин-қизларимиз учун жуда катта имконият бўлди.

Видеоселекторда кўтарилган масалалар ва уларнинг ихроси, айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар инсон қадрини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Ишончимиз комилки, бундай юксак эътибор хотин-қизларнинг ҳар бир жабҳада фаоллигини оширади, опа-сингилларимиз ислохотлар жараёнида етакчи кучга айланади.

